

Qishloq hayoti

2012 йили Мустақкам оила

ЙИЛИ

Қишлоқ ҳаёти

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 29-IYUN, JUMA, 77 (8002) - son

1974-yil 1-yanvardan chiqib boshlagan
Bahosi kelishilgan narxda.



Вилоятдаги тадбиркорлик субъектлари орасида гўшт ва сут маҳсулотларини қайта ишлашга ихтисослашган "Сул Шер Жаҳон" хусусий корхонасининг алоҳида ўрни бор. Йилига ўрта ҳисобда 800 тонна колбаса ва 600 тонна сут маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган корхонада 60 нафар киши меҳнат қилади.



Гузур туманидаги "Истиқлол" фермер хўжалиги раҳбари Ғайрат Пўлатов янгиликка интилувчан, ташаббускор фермерлардан. У бошлиқ жамоа пахта, ғалладан мўл ҳосил олиш билан бирга қишлоққа қайта ишлаш саноатини олиб кирди. Кўплаб ёшларни иш билан таъминлади.



...Яқинда яна Самарқандга саёҳат қилдим. Бу сафар яна бир янгиликниш – улкан ўзгаришнинг гувоҳи бўлдим. "Афросиёб" тезкор поездиди 2 соатдан сал зиёдроқ юриб, азим Самарқандга етдик. Кун давомида шаҳарни томоша қилиб, яна шу куннинг ўзиди Тошкентга қайтдик. Таассурларим бир олам эди...

Фарғона Вилояти

ОЗОД ЮРТНИНГ ОБОД УЙЛАРИ

САРИҚҮРҒОНДА НАМУНАВИЙ УЙЛАР



Президентимиз Ислам Каримовнинг 2009 йил 3 августда қабул қилинган "Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига мувофиқ олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари қишлоқлар қиёфасини тубдан ўзгартириш, аҳолининг турмуш маданиятини юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.



Ушбу ҳужжат ижроси доирасида ўтган йили Учкўприк тумани Сарикўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Муллазоир массивида намунавий лойиҳада 65 уй-жой қад ростлади. Ҳудуд иқлим шароитига мос,

замонавий шарт-шароитларга эга, миллий урф-одатлар ва турмуш тарзи талабларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштирилган янги уйлارга кўчиб кирган оилалар фаровон ҳаёт кечи-раётди.

Аҳоли қизиқиши ва талабига кўра жорий йилда ҳам Муллазоир, Эшимбек массивларида намунавий лойиҳа асосида 51 та шинам уй-жой қуриш ва фойдаланишга топшириш мўлжаллан-моқда.

СУРАТДА: Учкўприк тумани Сарикўрғон қишлоқ фуқаролар йиғини Муллазоир массивидаги янги уй эгаларидан бири Ибодат Алиева набиралари билан.

Муқимжон КОДИРОВ (ўзА) олган сурат.

Бухоро Вилояти

Жондорлик Улуғбек Обидов тумандаги Хумдонак қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида 2006 йили қорақўлчилик йўналишидаги "Чорвадор Обид Соли" фермер хўжалигини ташкил этган эди.

ФЕРМЕРНИНГ ФИШТ ЗАВОДИ

Ўтган йилларда хўжалик кенгайди. 41 гектар суғориладиган ер қўшилиб, пахтачилик ва ғаллачилик йўналиши ҳам очилди.

Ўтган йили Улуғбек тадбиркорлигининг яна бир йўналишига қўл урди. Фишт ишлаб чиқариш заводи фаолиятини йўлга қўйди. Йилига 1 миллион 300 минг дона пишк қиш ишлаб чиқарилаётган заводда айти пайтда 10 та доимий, 30 та мавсумий иш ўрни яратилган.

2011 йили Далмун қишлоғида янги намунавий ло-

йиҳалар асосида барпо этилаётган уй-жойларнинг қурилишида заводда ишлаб чиқарилаётган қишлоқ ашёларидан фойдаланилди. Шунингдек, ҳудуддаги тез тўйиб ёрдам пункти биносини қуриш, 38-умумтаълим мактабини таъмирлаш каби ишларга ҳам ҳисса қўшди.

Хамрози АЛИ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё Вилояти

Тадбиркор Азизбек Баротовнинг ташаббуси билан Шахрисабз тумани Мўминобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қорапойча қишлоғида маҳалла спорт мажмуаси қад ростлади.

МАҲАЛЛАДАГИ СПОРТ МАЖМУАСИ

ёшларнинг сеvimли масканига айланмоқда

Бу ерда кураш, стол тенниси, акробатика, гимнастика спорт турлари билан шуғулланувчиларга қулай шарт-шароитлар яратилган. Тренажёр залида эса барча спорт анжумлари мавжуд.

— Стол тенниси тўғрисида катнашаман, — дейди тумандаги 26-умумтаълим мактабининг 8-синф ўқувчиси Дилмурод Холиқов. — Келажакда маҳоратли теннисчи бўлиб, юртимиз довуғини дунёга танитмоқчиман.

Дарвоқе, тиниб-тинчимас, эл-юрт ишига дастёр Азизбек Баротовнинг асли касби педагог. У Ўзбекистон давлат

жисмоний тарбия институти-ни тамомлаган. У Шахрисабз маиший хизмат касб-хунар коллежида ёшларга ҳам сабоқ беради.

— Мақсадимиз қишлоқда спортнинг оммавийлигини таъминлаш ва шу орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб этишдир, — дейди Азизбек Баротов. — Айти пайтда янги сув ҳавзасини қуриш бўйича иш олиб бораёмиз. Келгусида мажмуада яна бир қатор спорт турлари билан шуғулланиш учун махсус спорт заллари қураимиз.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий Вилояти

БИТИРУВЧИЛАР УЧУН МЕҲНАТ ЯРМАРКАСИ

Навоий информатика ва электрон саноати касб-хунар коллежида алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида таълим олаётган битирувчиларни иш билан таъминлаш мақсадида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди.

Унда алоқа ва ахборотлаштириш тизимидаги корхоналар билан бир қаторда иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар 100 дан ошиб бўш иш ўринлари билан қатнашди.

— Мен «Навоий» эркин иқтисодий-индустриал зонасида ташкил этилган

"Telecom innovations" қўшма корхонасига йўланма олдим, — дейди Навоий информатика ва электрон саноати касб-хунар коллежи битирувчиси Махлиё Равшанова. — Ўқув даргоҳида олган билимларимни иш жойида қўллаб, мамлакатимиз тараққиётига ўз ҳиссамни қўшиш им-

кониятига эга бўлганимдан хурсандман. Шунингдек, ярмаркада ҳудуднинг маҳаллий хомашё ресурслари ва шу асосда тадбиркорликни ишга солиш имкониятлари, истиқболли лойиҳалар маҳаллий ёшлар эътиборига ҳавола этилди.

Маърифат ШАРИПОВА

Жиззах Вилояти

ҚУЁШДАН НУР, ШАМОЛДАН ҲУЗУР


Ўзбекистон Экологик ҳаракати томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг "Фермер хўжаликларида энергия ва ресурсларни тежайдиган технологияларни ривожлантириш ва чиқитиш технологиялардан фойдаланишнинг илғор тажрибаларини тарғиб этиш" лойиҳаси доирасида Фориш туманидаги Махмуджон Сандқулов бошлиқ "Мулла Сандқулов" фермер хўжалиги қошида бутлур ташкил этилган дала Ўқув маркази тобора кўллаб фермерлар эътиборини тортди, унда сабоқ олиш ҳамда тажриба ўрганиш ишқибозлари билан гавжумлашиб бораётди. Буни яқинда ушбу марказда "Ўзбекистонда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш ва қўллаш истиқболлари" мавзусида ўтказилган ўқув-семинари ҳам яққол кўрсатди.

Унга қўллаб фермер, деҳқон ва хусусий тадбиркорлар ҳамда мазкур лойиҳа мазмун-моҳиятига қизиққан коллеж ўқувчилари ташриф буюришди. Экоҳаракат фаоллари ва экспертлари, ихтисослашган халқаро ташкилотлар вакиллари ҳамда таниқли мутахассислар айти даврда инсониятнинг табиий газ, нефть, кўмир, ёғоч синга-

ри органик ёқилғи турларидан кенг фойдаланиши натижасида, биринчидан, бу турлар камайиб бораётганини, қолаверса, ичдан ёнар двигателлари, турбиналар, дудбуронлардан чиқаётган зарарли газлар туфайли аҳоли саломатлигига ва атроф-муҳитга салбий таъсир кўрсатилаётгани хусусида фикр юритдилар.

— Айти пайтда дунё бўйича йилига 2 миллиард тонна нефть эквивалентига тўғри келадиган микдорда табиий ёқилғи ишлатилмоқда, — деди Экоҳаракат Марказий Кенгаши раисининг ўринбосари Саидрасул Сангинов. — Сўнгги 40 йил давомида инсоният тарихи мобайнида қазиб олинган микдордан ҳам кўпроқ органик ёқилғи

МУҚОБИЛ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИ



қазиб олинган. Ҳўш, шундай экан, уларнинг захираси қанчалик? Республикаимиз иқтисодиётини таъминлашда нефть-газ сектори асосий ўрин тутди. Ваҳоланки, қуёшли диёримизда қайта тикланувчи энергия манбаларининг салоҳияти 51 миллиард тонна нефть эквивалентига тенг. Бу эса қазиб олаётган ёқилғиларимиздан уч ба-

робар кўп, демакдир. Бунинг устига, 447 миллион тонна ис газининг атмосферага чиқиши барҳам топади. Шунинг учун ҳам Президентимиз тақорор-тақорор қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишни кўпайтириш вазифасини қўйиб, бу борада аниқ йўланмалар бераётди.

(Давоми 2-саҳифада)

МУЛҚДОРЛИК МАСЪУЛИЯТИ – ФАОЛИЯТ БАРДАВОМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАЙДИ

Истиқлол йилларида мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалигида амалга оширилган изчил ислохотлар самараси ўларок, тармоқ ҳар жиҳатдан ривожланиб, йилдан-йилга такомиллашиб бораётди. Деҳқон, фермер ҳўжаликларининг ташкил этилиши туфайли ерга, мулкка муносабат тубдан ўзгарди. Буни замон билан ҳамнафас бўлиб, дунёнинг ривожланган давлатлари тажрибаларидан кенг фойдаланган қишлоқ мулкдорлари, уларнинг қўлга киритаётган муваффақиятларида яққол кўриш мумкин.

■ Баҳодир ШОКИРОВ, Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари уюшмаси Қашқадарё вилояти филиали раҳбари.

Айни пайтда вилоятимизда турли йўналишларга ихтисослашган етти мингдан зиёд фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатяпти. Ҳар бир туманда фермер ҳўжаликларининг ихтисослашуви амалга ошириляпти. Бунинг учун туманларда ўнтадан намунавий фермер ҳўжаликларини ташкил этиш бўйича ишлар олиб боришмоқда. Бу бўйича Ғузор туманидаги "Истиклол", Қамаш туманидаги "Бозор ўғли Абди", Қарши туманидаги "Бахт" фермер ҳўжаликларида кўргазмалар семинарлар ўтказилиб, уларнинг

ишлари бошқа қишлоқ мулкдорларига кўрсатилди.

Ҳар бир фермер ҳўжалигида икки бошдан қорамол, 200 бошдан парранда боқилиши ташкил этиш бўйича муайян ишлар амалга ошириляпти. Қарши шаҳридаги "Эзгу дёр паррандаси" МЧЖ ҳамда вилоятдаги насличилик фермер ҳўжаликлари билан фермерларга ҳўжа ва қорамол етказиб бериш ишлари йўлга қўйилди. Бундан ташқари, мева-сабзавотчилик билан шуғулланувчи фермер ҳўжаликларида асаларичиликни ташкил этиш мақсадида тижорат банклари томонидан кредитлар берилмоқда. Яқинда Қарши туманидаги "Садоқат" фермер ҳўжалигида бўлиб ўтган кўргазмалар семинарда асаларичиликни ривожлантиришнинг истиқ-



"Ташаббус-2012" кўрик-танловининг "Энг яхши фермер" йўналиши юлиби "Бахт" фермер ҳўжалиги раҳбари Иброҳим Холёров ҳамда Ўзбекистон фермер ҳўжаликлари уюшмаси Қашқадарё вилояти филиали раҳбари Баҳодир Шокиров.

боллари, бу борадаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Барча жойларда бугунги кун мавзуларида, фермер ҳўжаликлари такомиллаштиришга бағишланган ўқув маш-

ғулотлари ўтказилиб, унда вилоятдаги барча фермер ҳўжаликлари раҳбарлари иштирок этишди. Энг қувонарлиси, ана шундай фаолиятини такомиллаштирган фермер ҳўжаликлари яхши натижаларга эришмоқда. Жумладан, Қарши туманидаги "Бахт" фермер ҳўжалиги "Ташаббус-2012" кўрик-танловининг республика босқичида фаол иштирок этиб, "Энг яхши фермер" йўналишида ғолиб бўлди. Президентимиз соврини — "Спарк" автомашинаси билан тақдирланди.

Ерни эъзозлаш, унинг ҳар қаричидан оқилона ва самарали фойдаланиш борасида қишлоқ мулкдорлари кенг қўламли ишларга бош-қош бўлмоқдалар. Миришкор туманидаги "Тонг юлдузи" фермер ҳўжалигида бўлиб ўтган кўргазмалар семинарда ҳам ердан фойдаланиш самардорлигини ошириш, мелиоратив ҳолатини яхшилашда фермерларнинг устувор вазифалари ҳақида гап борди. Муборак туманидаги "Навбахор" фермер ҳўжалигида ўтказилган кўргазмалар семинарда эса суғориш ишларини сифатли ўтказиш, томчилатиб суғориш технологиясининг афзалликлари ва иқтисодий самаралари тўғрисида қимматли фикр-мулоҳаза-

лар билдирилди. Шунингдек, Ғузор туманидаги "Бурхон" чорвачиликка ихтисослаштирилган фермер ҳўжалигида бўлиб ўтган кўргазмалар семинарда иштирокчилар чорва наслини яхшилаш учун сунъий қочирининг афзалликлари ҳақида зарур йўл-йўриқ ва маслаҳатлар олдилар.

Яқинда Тошкент шаҳрида ўтказилган "Uzbekistan Agrominitech Expo — 2012" қишлоқ ҳўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналарнинг халқаро ихтисослашган кўргазма-савдосида вилоятимиздан 61 та фермер ҳўжалиги иштирок этиб, қайта ишлаш технологиялари ва қишлоқ ҳўжалиги техникалари хариди учун шартнома ҳамда келишув битимларини туздилар.

Галдаги вазифаларимиздан фермер ҳўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилаётган қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини замонавий технологиялар асосида қайта ишлашни тўлиқ жорий қилиш билан бирга чорвачилик, паррандачилик, балиқчилик ва асаларичилик соҳаларини янада ривожлантириш, қишлоқ ҳўжалигини юқори малакали ёш кадрлар билан таъминлаш тизимини такомиллаштиришдан иборатдир.

Фермер ҳўжалигимизга 2004 йилда асос солинди. Дастлаб 30 гектар ерда деҳқончилик қилдик. Шунинг ярми пахта майдони бўлса, қолган қисми галла учун ажратилди. 2010 йилга келиб ер майдонимиз 150 гектарга етди.

ҲАМЖИҲАТЛИКДАГИ МЕҲНАТ САМАРАСИ



Фермер ҳўжалигимиз аъзоларининг ҳамжиҳатлигида қилган меҳнатлари ўз самарасини берди. 2010 йилда 50 гектар галла майдонидан 55 центнердан ҳосил олдик. Пахтадан эса 32 центнердан хирмон кўтарилди. Бир гектар майдондаги богдан ҳам мўл ҳосил олинди. 5 гектарлик тутзор тажрибалар асосида парваришланди. Қолган ерлар яйлов бўлиб, босқичма-босқич ўзлаштирилди. Деҳқонларимизнинг астойдил қилган меҳнатлари туфайли ўтган йили галладан 60 центнердан ҳосил олинди. Ғузорнинг "Бухоро-6" нави қарийб 40 центнердан ҳосил берди. Яппи даромад 236 миллион сўми, соф фойда 90 миллион сўми ташкил этди.

Жорий йилдаги режаларимиз янада юксак. 63 гектар ердаги бугдойнинг "Краснодар" навидан 65 центнердан ҳосил олдик. Пахтадан 45 центнерлик маррани кўзлаганимиз.

Ғузларимиз ривож қўнгилдагидек. Ғўза қатор ораларига сифатли ишлов бердик. Бир марта "шарбат" сувиға қондирди. Озод Пардаев, Бахтиёр Бозоров, Урол Мусаев, Соҳиба Бойбўтаева, Зебо Хайруллаева, Дилдора Мусаваларнинг фидойи меҳнатлари туфайли ниҳоллар кундан-кунга яшнамоқда.

Ерга меҳр бериб, уни эъзозлаган деҳқон, албатта, мақсадиға эришади. Шундан келиб чиқиб, ерининг мелиоратив ҳолатини яхшилашға алоҳида эътибор берамиз. 5 гектар ерни шўр босган эди. Шўрни ювдик, тўрт километр масофадаги ички зовур тозаланди. Натижада ҳосилдорлик бу ерларда 15 центнердан 22 центнерга етди. Асосий мақсадимиз ҳосил салмоқини йилдан-йилга ошириш, даромадимизни қўлайтириш, мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги равнақига салмоқли ҳисса қўшишдир. Бу йўлда бор куч-ғайратимизни ишға солиб, астойдил меҳнат қиламиз.

Абдимурод БОЗОРОВ, Қамаш туманидаги "Бозор ўғли Абди" фермер ҳўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ ҳўжалик ходими.

БАЛИҚЧИЛИК



Ўтган йили эзгу ниятлар билан балиқчилик йўналишида фермер ҳўжалиги ташкил этгандик. Бир гектар ерда сув ҳавзаси барпо этиб, Тошкент вилоятининг Чиноз тумани ва вилоят балиқчилик ҳўжалигидан балиқнинг "Дўнпешона", "Оқ Амур" уруғларини олиб келиб порворишни бошладик. Дастлабки натижамиз ёмон бўлмади. Эл дастурхониға 500 килограммга яқин балиқ тортиқ этдик.

ЭЛ ДАСТУРХОНИГА ТОРТИҚ

Жорий йилдаги мақсадимиз янада катта. Уч тонна балиқ етиштирмоқчимиз. Бунинг учун имкониятларимиз етарли. Бу 24 миллион сўм яппи даромад демакдир.

Айни пайтда балиқларга қуниға икки мартадан бугдой, макка-жўҳори ҳамда тарикдан тайёрланган аралашма берилляпти. Қолаверса, ҳавза атрофида етарлича табиий ўт-ўланлар ҳам бор. 2013-2015 йилларда йиллик

маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажминини 5-7 тоннаға етказишға аҳд қилганмиз. Дудланган балиқ тайёрлашни ҳам йўлга қўйилмиз. Бундан ташқари, бизнинг еримизда қуниға қуниға 1,5 гектар ҳавзада балиқ парваришланяпти. Кейинчилик ҳавза худудидан яна бир бараварға кенгайиб, уч гектарни ташкил этиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, Шара-

фиддин Нуруллаев бошлиқ фермер ҳўжалигида ҳам балиқчиликни ривожлантириш борасида истиқболли режалар асосида иш олиб бориляпти. Булар, албатта, элимиз дастурхонини балиқ маҳсулотлари билан таъминлашға хизмат қилади.

Нурфайёз АДИБЕВ, Қарши туманидаги балиқчилик йўналишидаги "Нурфайёз Адиев" фермер ҳўжалиги раҳбари.

Саҳифани Ҳусан ТЕМИРОВ тайёрлади.

Р.ГАЛИЕВ, М.КОМИЛОВ, Б.ХАЛИЛОВ олган суратлар.

АСАЛАРИЧИЛИК



ҲАР ҚУТИСИДАН МЎМАЙ ДАРОМАД

Қишлоғимизда асаларичилик йил сайин ривожланмоқда. Кейинги йилларда бу соҳа билан шуғулланадиганлар сони ўн нафардан етмиш нафарга етди.

Отам ҳам ана шу касбдан кадр топанлардан. 1980 йилдан буён асаларичилик билан шуғулланиб келаяпти. Ҳозир 84 ёшда. Бизлар ҳам отамнинг ортидан эргашиб, шу соҳаға меҳр қўйганмиз. Укам Абдуносирда юз қўтидан ортиқ, Иродолида 150 қўти, Абурайхонда 160 қўти асалари бор.

Менинг ҳам бу соҳадаги тажрибам чорак асрга яқинлашиб қолди. Ҳозирги кунда 200 қўти асалари уяси бор.

Жорий йилда ишларимиз баракали бўляпти. Шу кунгача бир тоннадан ортиқ асал олдик. Яна шунча маҳсулот олишни мўлжалляймиз. Миллий банкдан 20 миллион сўм кредит олиш бўйича зарур ҳужжатларни тайёрладим. Насиб этса, 2013 йилда асалари оилалари сонини 300 тага, 2015 йилда 500 тага етказишни режалаштирганмиз.

Соҳа ривождаги муҳим омиллардан бири асаларилар зотини тубдан яхшилашдир. Бу йўлдаги изланишларимиз ҳам бесама қетмаляпти. Украинадан олти пакет қарпат зотли ариларни олиб келиб, асалариларимиз зотини тубдан яхшиладик.

Ҳар йили вилоятимизнинг Китоб, Яқабоб, Шаҳрисабз туманлари ҳамда Жиззах вилоятининг Баҳмал тумани худудларида бўлиб, ариларни парваришляймиз. Ғўзалар тўла гулга кирган, асалари қўтиларимизни пахта майдонларига қўйрамиз. Бу борада фарзандларимдан Музаффар ва Муҳаммад ҳамда ўз ишининг моҳир устаси Фарҳод Рўзиевлар энг яқин кўмакчиларим.

Асосий мақсадимиз фаолиятимизни янада кенгайтириш. Эндилкида асални қадоклайдиган замонавий хориж ускунасини сотиб олмақчимиз. Бу, албатта, маҳсулот хариддорлигини ошириш билан бирга экспортга йўл очади.

Абдували РАҲАБОВ, Нишон туманидаги асаларичиликка ихтисослашган "Абдували Раҳабов" фермер ҳўжалиги раҳбари.

ҒАЛЛАЧИЛИК

ҲОСИЛ ЧЎҒИДАН КЎНГИЛ ЧОҒ

Жорий йилда бугдойнинг "Бобур" навидан 65 центнердан хирмон кўтардик. Сўнг ерни сомондан тозалалаб, шудгорлаш ишларини сифатли ва қисқа муддатда ўтказдик. Ахир айтадилар-ку, "Эрта эккан эрта ўради", деб.



Фермер Шерзод Бобоев (чапда) ва иш юритувчи Рўзмамат Расулов.

Ана шунинг назарда тутиб, ҳосилдан бўшаган еримизни бир оз ором олдирилмиз. Эрта кузда бугдой экишни сифатли ўтказиб, келгуси йил тадоригини кўрамиз.

Чўлда 12 йилдан буён ишляймиз. Фермер бўлиб, ўз йўлимизни топдик. Фаровон турмуш кечиряпмиз. Қолаверса, мустақил юртимиз иқтисодиёти оқсалишға камтарона меҳнатимиз билан ҳисса қўшиб келаётганимиздан бахтиёримиз. Фермер ҳўжа-

лимиз имкониятлари йилдан-йилга кенгайиб, ҳосил салмоғи ортиб борапти. Сирасини айтганда, барча шарт-шароитлар мавжуд. Бунинг учун, аввало, Президентимизга, ҳукуматимизга раҳмат! Биз бу ғамхўрликка жавобан бор куч-ғайратимизни ишға соламиз.

Рўзмамат РАСУЛОВ, Миришкор туманидаги "Одилова Дурдона" фермер ҳўжалиги иш юритувчиси.

БОҒДОРЧИЛИК

БОҒЛАРИМИЗ ТОБОРА ЯШНАЁТИР

Боғдорчиликка ихтисослаштирилган фермер ҳўжалигимизда узум ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилади. 24 нафар доимий, 80 нафар мавсумий ишчига эгамиз. Дастлаб 3,7 гектар ерда узумнинг тойфи навини эккан бўлсак, кейинчилик ер майдонимиз 25 гектарга етди.

2010 йилда картошқачиликни ривожлантириш мақсадида Голландиядан суперэлита уруғи олиб келинди. "Микрокредитбанк"дан 18 миллион сўм кредит олиб иш бошладик. Натижада ҳар гектар ердан 26 тонна ҳосил олиб, 53 миллион сўм яппи даромад кўрдик. Ўтган йили узумдан ҳам даромадимиз чакки бўлмади. Ҳосилдорлик 130 центнерни ташкил этди.

2012 йилдаги мақсадимиз бундан-да юқори кўрсаткичларга эришиш. 20 тонна картошқа уруғини келтириш учун шартнома туздик. Узумзорлардан олиннадиган ҳосил 150 центнердан кам бўлмайди. Эндиги мақсад ҳўжалигимиз иқтисодиётини янада оқсалитириш орқали узум сақлаш учун хориждан замонавий совиткич харид қилишдир. Ана шунда элимиз дастурхонини йил бўйи сархил узум билан таъминлаймиз. Шунингдек, мева, узум ва сабзавотни қайта ишлаш учун чет элдан минитехнологиялар келтириш режаларимиз бор.

Дарвоқе, ота-онам ҳам соҳибқор бўлиб, қўллаб-қўллаган яратилган. Мен ҳам турмуш ўртоғим,



олти нафар фарзандим билан уларнинг ишларини давом эттираётганимдан жуда бахтиёрман. Чунки меҳнатларимиз роҳатини кўряпмиз. Фермер ҳўжалигимиздан келаётган даромад эъзизига машина харид қилляпмиз, уйлар қуриб, тўйлар қилляпмиз.

Насиба НУРОВА,

Китоб туманидаги


"Элдорбек, Абборжон Луқмонович" фермер ҳўжалиги раҳбари.

▼ TAACCYPOT

кенг миқёсли ишлар амалга оширилди.

Яқинда яна Самарқанд асфалт қўйилди. Бу сафар яна бир янгиляниш – улкан ўзгаришнинг гувоҳи бўлдим.

“Афросиёб” тезкорар поездида 2 соатдан сал зиёдроқ юриб, азим Самарқандга етдик. Кун давомида шаҳарни томоша қилиб, яна шу куннинг ўзида Тошкентга қайтдик. Тезассортда



– Султон Увайстоғ – Нукус”
йўналишидаги темир йўл-
лар, Амударё узра поезд ва
автомобиллар қатнайдиған
улкан кўприк, “Тошгузар –
Бойсун – Кўмкўрғон” йўна-
лишидаги темир йўл каби

Диёрахон ИСМАИЛОВА,
Тошкент Темир йўл
муҳандислари институти
талабаси.

Диёрахон ИСМАИЛОВА,
Тошкент Темир йўл
муҳандислари институти
талабаси.

ММҚА «БЕСТ» МОДА ТЕКСТИЛ» ЖШС қорығы қорықтасушысы (ИНН 30109802) астам замангерлік қолданыстарды 27.06.2012 жылғы 11:00:00 сағатта қаржыға асытты 711 084,33 АҚШ долларын 280 827,63 АҚШ долларға қаматтағындай хамда зұқушы шақлы "Jouffroy samita" интродукция "МОДА ТЕКСТИЛ" ММҚАға ұағырталған да шығуға қуа зұқушы қорыс

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Uzkiyosanoat» ΔAK

Очиқ акциядорлик жамияти

Қишлоқ хўжалиги экинларининг ҳосилдорлигини оширишда минерал ўғитларнинг аҳамияти катта. Мўл ҳосил олиш учун деҳқонга ёрдам берувчи омиллардан бири минерал ўғитларнинг сифатли, қулай, арзон ҳамда самарали бўлишидир. Ана шундай тамойиллардан келиб чиққан ҳолда "Мақсам-Чирчиқ" очиқ акциядорлик жамияти ўғитларнинг янги турларини ўлаштирмоқда. Корхона ана шундай минерал ўғитларни тақдир этди:

Сабзавотларга КАСНИ куйидаги меъёрларда қўллаш тавсия этилади:
 Карамга – 200-250 кг/га; помидор, бодрингга – 200-230 кг/га; пиёз ва сабзи – 130-200 кг/га; гулларга – 70-130 кг/га; қон, бошоқли ва бошқа тўрт қаторли экинларга – КАСНИ фақат экишдан олдин 130-170 кг/га меъёрда солинади.

Суюк минерал ўғитлар ўсимликлар-
яхши натижалар бериши аниқланди.

ФОСФОМОЧЕВИНА

Фосфомочевина – бу карбамид ва аммофос минерал ўғитларини механик аралаштириш йўли натижасида олинган аралаштирилган ўғитдир.

Таркибида 40 фоиз азот ва 3,5 фоиз P_2O_5 бўлган фосфомочевина қишлоқ хўжалигида минерал ўғит сифатида фойдаланишга мўлжалланган. Карбамид таркибидаги азот - амид шаклида бўлади.

Маълумки, фосфорли ўғитлар тупроқчи фосфор захиралари билан тўйинтиришнинг ягона манбаи ҳисобланади. Шунингдек, бундай ўғитлар ҳосилини кўпайтиради, сифатини яхшилайти, ўсимлик поясининг ёتب қолиши ва қурқоқчиликка чидамчилигини оширади.

Фосфорсечивинани узок таъсир эта-
диган асосий самарали азот-фосфор
ўғити сифатида барча сабзавот ва
қишлоқ хўжалиги экинлари учун туп-
роқ остига ҳамда илдиздан ташқари
озука сифатида қўйлаш мумкин.

очик акциядорлик жамияти
сахри, Тошкент кучаси, 2-уй.
6-40-79, 6-45-57
5-57, 6-56-70, 6-55-46
ama@mail.ru
n-chirchiq.uz

Манзил: "Maxam-Chirchiq" очик акциядорлик жамияти
Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Тошкент кўчаси, 2-уй
Тел.: (+998-7071) 6-40-79, 6-45-57
Факс: (+998-7071) 6-45-57, 6-56-70, 6-55-46
maxam_reklama@mail.ru
www.maxam-chirchiq.uz

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналар диққатига!

АНДИЖОН ВЯЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ "ЯҶОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ" ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ ҚҶЙИДАГИ
ИНШООТЛАРГА ПУРАТЧИ ТАШКИЛОТЛАРИНИ ТАҶЛАШ БҶЙИЧА ТАҶЛОВ САВАДЛАРИ ЭЪЛОҶ ҚИЛАДИ

БҮЮРТМАЧИ: Андиқон вилояти ҳокимлиги "Ягона буюртмачи хизмати" ишонқинчи компанияси
(Андиқон шаҳри А.Навойй кўчаси 45-й. Тел. 224-19-97)

1. 4К-91А "Андиқон шаҳрига кириш" автомобили йўлининг км. 5 – км. 7 қисмини капитал таъмирлаш (А-373 йўлининг 368 километри).

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 4 702 056 470 сўм.

Шундан 2012 йил уун ажратилган маблағ (ҚҚС билан) — 2 000 000 000 сўм, (ҚҚСиз) — 1 666 666 667 сўм.

Ишларни бажариш мuddати: 10 ой

2. 4К-91 "Андиқон шаҳри-Заврақ қишлоғи-Гулбозор қишлоғи" автомобили йўлининг км. 4 – км. 5,5 қисмини капитал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 4 435 860 120 сўм.

Шундан 2012 йил уун ажратилган маблағ (ҚҚС билан) — 1 750 000 000 сўм, (ҚҚСиз) — 1 458 333 333 сўм.

Ишларни бажариш мuddати: 10 ой

3. 4К-114 "Сарой қишлоғи-Абдулйўз қишлоғи-Эшон қишлоғи" автомобили йўлининг км. 0 – км. 3,5 қисмини капитал таъмирлаш.

Объектнинг бошланғич нархи (ҚҚС билан) — 3 064 150 490 сўм.

Шундан 2012 йил уун ажратилган маблағ (ҚҚС билан) — 698 915 416 сўм, (ҚҚСиз) — 582 429 513 сўм.

Ишларни бажариш мuddати: 10 ой

Ишларни молиялаштириш: Республика йўл жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Диккат! Автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш объектилари бўйича квоталар микдори кичик бизнес субъектлари уун 25 % ни ташкил қилади, бошқа тенг шартларда афзаллик кичик бизнес субъектларига берилади.

БҮЮРТМАЧИ: "GM Uzbekistan" ЖШС

Ишларни бажариш муддати: 110 кун

Ишларни молиялаштириш: Бюджетнинг умумий маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдолари предметиининг 20 фоизлик миқдоридagi айланма маблағларининг ёки кўрсатиш ўтилган маблағларини беришга банк каффалатомасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мухтажассинларнинг мажбурийлигига, етарли касбий ва техник қавий мадакага, молиявий им

кониятларга, шартнома тузиш юзасидан фарқлиқ-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга ва тажрибали, ишончли бўлишлари шарт.

Савдода катташиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотичи **Анджон** вилости-**нинг** қурилишда танлов савдолари ва нархлари шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйдаги манзил бўйича мурожаат этишлари мумкин:

Анджон ш. Чинобод кўча 59-уй, тел.факс: 226-72-02.

Бир тўплам танлов ҳужжатларининг нархи: 70 000 сўм.

Таклифлар (офёртлар) савдо ташкилотичи томонидан юқоридagi манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (офёртлар)ни савдо ташкилотичисига тақдим этишининг охири мuddати офёртлар очилиш куни ва соати танлов савдолари матбуотда эълон чоп этилган кундан 30 кун ўтгандан сўнг юқорида қўрсатилган манзилда ўтказилади.

 **АГРОМАШ** ДИҚҚАТ АКЦИЯ!

«АГРОМАШХОЛДИНГ-ТАШКЕНТ» МЧЖ ХОРИЖИЙ НОРХОНАСИ



**ЕНИСЕЙ-954 ГАЛЛА ҮРИБ-ЙИҒАДИГАН
КОМБАЙНЛАРГА ЧЕГИРМАЛАР
МАВСУМИ БОШЛАНГАНЛИГИНИ
ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

**АКЦИЯ 15 ШОЛТА ҚАТАР
АМАЛ ҚИЛАДИ**

КОМБАЙНЛАР СОНИ ЧЕГАРАЛАНГАН

Тошкент ш., Нисоббек Язди кўчаси, 1. Тел.: + 998 71 120 96 00/10; Факс: +998 71 234 89 88;
E-mail: info@chetra-tashkent.ru Сайт: www.chetra-tashkent.ru

Тошкент ш. Маробод т.даги уюмларимиз харбий сафарига йўналтирилган харбий талаб томонидан 2000 й.да Юлдашев Ботир Топилтаинович номини берилди. 1964-1984 й.лари армияга асирлиги вақтинча сабабли бек қилинган.

Тошкент ш. Зангачу т. ҳудудига жойлашган "VLATON" МЧК (ЙНН 301181338) Жизияз вилоятига жойлашган "AGROPOLY-SERVIS" МЧК (ЙНН 30220812) таркибида жойлашган "АГОРПОЛИ-СЕРВИС" МЧК ҳудуди восис ҳудудларига ва барча маҳсулоти билан ўз амминости олади. Тел.: 350-33-66, 304-33-66

"Агробанк" очик акциядорлик тижорат банки жамоаси банкнинг Ички аудит департаменти Филиаллар аудити бошкармаси бошлиғи Эмомраҳ Хидировга волидай мухтарамаси

ОҚБУВИШ аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ	МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агроекономат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дохилдор вазирлик ва идоралар.	ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Зафар РҲЗИЕВ, Ёлугбек УЗОҚОВ, Фарход ОМОНОВ, Эрик ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОВЕ, Абдирахоб ТАМИКАЕВ, Махмуд ТОИР, Хабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир), Тринбокс, Сунаат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир), Тринбокс, Омонелла ЮНУСОВ, Анавар ҚУЛМУРОДОВ, Ренат НАЗАРОВ, Шероод ҚУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Маъсул котиб).	Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.  ISSN 2010-7021	ТЕЛЕФОНЛАР: Қайрухона — 236-58-83, Котибиёт — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 236-56-25, Иқтисомий-синей ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 233-76-78, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан aloqalar бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Коракалпағистон Республикаси — (8-361) 352-54-58; Андижон — (8-374) 970-99-13; Бухоро — (8-365) 593-27-57; Жизжаб — (8-372) 366-61-16; Наманган — (8-369) 562-19-59; Фаргона — (+998-91) 137-06-83; Самарқанд — (+998-97) 756-68-27; Сирдарё — (8-367) 588-06-89; Тошкент — (+998-97) 800-29-61; Хоразм — (8-362) 520-69-14; Қашқадарь — (8-375) 229-17-29.	Реклама ва эълонлар  236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун бюртмани жавобгар	Навбатчи муҳаррир: Р. СУЯРОВ Муассисх: О.ОЧИЛОВ Дизайнер: М.СОБОИМУАММЕДОВА
Газета сешанба, пайшанба ва жума куналари чиқарилади.	Буортма Г-614, хажони 2 босма	Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.	Босишга топшириш вақти: 21.00 Босишга топширишди: 21.05 22419 шаклида босилди. Даян ичкериси — 144	Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар қўчаси, 32-ый	E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru	1 3 4 5
				Газета тахририяятингиз ўзида компьютерда тегишли ва саҳифалангани.	"Шарқ" нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмоконасида босилди. Манзили: "Evrok Tvnoy". қўчаси. 41-ый	